

# O'ZBEKISTON



# O'VOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 13-YANVAR ■ SESHANBA ■ 5 (27.180) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



## ЯНГИ МАРКАЗ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида яқин келажакда яна бир йиллик раҳбарлик қилиш бўлими раҳбари ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг яқинда иш бошлаган Моделлаштириш ва симуляция бўйича инновацион технологиялар махсус марказига ташриф буюрди.

Марказ энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Президентимиз бу ерда яратилган шарт-шароитдан мамнун бўлди. Айни пайтда марказда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси тингловчилари малака оширишда. Махсус дастурга мувофиқ сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртли курсантлари ҳам бу ерда ўз малакасини оширади.

Бўйин командирлари бу ерда таълим олиши шарт. Президентимиз зирхли машиналар тренажёрларини кўздан кечирди. Ўқув жараёни ва амалий машғулотларнинг натижалари билан қизиқди. Курсантлар билан суҳбатлашди. — Ватанимиз, халқимиз сиз каби ўқтам, азми қатъий йигитларга ишонади, — деди Юрбошимиз. — Командир ҳар томонлама қомил инсон бўлмоғи лозим. Шундай экан, ҳарбийга қақриллаётган ёшларимиз жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлмоғи даркор.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган мазкур марказ ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотлар ва жанговар операцияларни моделлаштиришни ўрганишида, замонавий инновацион технологияларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эга маскан бўлиб қолади.

Воҳид ЛУҚМОН,  
ЎЗА МУХБИРИ

Суратда: ташриф пайти.  
Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА)  
олган сурат

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган йили баҳор серёғин келгани тўғрисида пахтакорларимиз қарийб 600 минг гектарга яқин майдонга қайта чигит экишга мажбур бўлган эди. Натижада ғўза ривожини 18-20 кунга кечикди. Аммо, ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ҳосилдорлик кескин камайиб кетмади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашни самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди.

Йиғилишда таъкидланганидек, қишлоқ ҳўжалиги зараркунанда ҳашаротларга қарши фойдаланиш ширкат ва фермер ҳўжалиқлари учун иқтисодий жиҳатдан анча қўл келмоқда.

Йиғилишда ўтган йили мамлакатимиздаги мавжуд 811 биофабрика ва биологаториянинг аксарияти тўлиқ қувват билан ишламагани қаттиқ танқид остига олинди. Айрим ташкилот раҳбарлари бу ишга етарли эътибор бермагани, биологаториялар зарур озуқа материаллари билан таъминланмагани боис даладаги сифатсиз маҳсулот чиқарилди.

Бу йилги қишнинг нисбатан илқ келиши зараркунанда-ларнинг яна кенгроқ тарқалиши хавфи борлигидан далолат бермоқда. Бу эса мутаассад раҳбарлардан зарарли ҳашаротларга қарши курашиш учун хозирдан пухта хозирлик кўришни, мавжуд биологаториялардан унумли фойдаланишни талаб этади.

Олим НОРБЕКОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

## ЖИЗЗАҲДА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда касб-ҳунар коллежлари барпо этиш, ёшларнинг ҳунар эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратишга эътибор ортапти. Яқунланган йилда саккизта коллеж учун янги, замонавий бинолар қурилиб, ишга туширилгани ҳам бунга тасдиқлаб турибди.

Шаҳар марказидаги муҳташам санъат коллежи ана шуларнинг бири. Ўқув масканида 350 нафар йигит-қиз санъат сирларини ўрганмоқдалар. Уларга олти йўналиш бўйича 30 га яқин мутахассис сабоқ беришаётир.

Бир сўз билан айтганда, янги коллеж санъат йўлини танлаган жижзаҳлик ёшлар учун ажойиб тўғра бўлди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божино ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгилади.\*

1 Австралия доллари	763,39	1 Польша злотийси	268,79
1 Англия фунт стерлинги	1812,02	1 СДР	1469,60
1 Дания кронаси	169,23	1000 Туркия лираси	0,73
1 БАА дирхами	267,15	1 Швейцария франки	803,95
1 АҚШ доллари	981,22	1 ЕВРО	1259,89
1 Миср фунти	159,03	10 Жанубий Корея вонни	8,33
1 Исландия кронаси	14,17	10 Япония иенаси	92,23
1 Канада доллари	771,95	1 Россия рубли	33,84
1 Хитой юани	118,55	1 Украина гривнаси	184,05
1 Малайзия ринггити	258,25		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Н.Усмонова). Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Армия бадий ижодиёти IV кўргазмаси очилди. Ушбу тадбир Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган. Кўргазма қатнашчилари — мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган аскарлар, курсантлар, офицерлар ҳамда уларнинг оила аъзолари. Томошабинлар эътиборига жами эллиқдан ошқ асар ҳавола этилган.

## ҲАРБИЙЛАР ИЖОДИ НАМОЙИШИ

Анъанага кўра кўргазмадан биринчи бор иштираётган ижодкорларнинг асарлари кенг ўрин олган, аммо улар орасида доимий қатнашчиларнинг расмлари ҳам бор. Улардан бири — катта лейтенант И.Илҳомов чизган картиналардир. Бу йил рассом кўргазмага янги асарларини тақдим этди. Айниқса, унинг «Мустақиллик ҳимоясида» панносини ажратиб кўрсатиш лозим. Бу асарда Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги куни, буюқ арбоблари ва Ватанимизнинг ҳозирги ҳимоячилари уйғун тарзда тасвирланган. Шунингдек, кичик сержант Э.Чориевнинг «Мангуберди», оддий аскар Ш.Рўзиқулловнинг «Амир Темур» асарлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмада болалар ижоди ҳам алоҳида ўрин тутди. Ёш рассомларнинг аксарияти 10-13 яшар болалардир.

## ЎПАМАН БАЙРОҒИМИНИ

Ўпаман байроғимни, юксалган иймонимни, Арзигаидир мен уни йўлларимда бош қўйсам. Арзигаидир бахш этсам худо берган жонимни, Арзигаидир мен уни ичим, сиртимга қийсам.

У оддий байроқ эмас, у деб эллар қуйинган, Кўтарилса миллий шон, тушса миллий «оҳ»дир у. Душманига бермасдан ўлганидан кейин ҳам, Намжиддин Кубролар ёпишган байроқдир у.

Байроқ бутун ҳам иймон, иймон сотилмағайдир, Қон кечган урушлар ё омон-омонларда ҳам. Иймон йўли битта — у қайта ўтилмағайдир, У деб жондан кечарлар бизнинг замонларда ҳам.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов шундай таъкидлайдилар:

«... армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир хизматчи — у генерал ёки офицер бўладими, сержант ёки оддий аскар бўладими — бундан қатъи назар, уларнинг барчаси дунёда ягона бўлиш Ҳимоятимизнинг фарзандларидир. Уларнинг зиммасидаги масъулиятли ва муқаддас вазифа ҳам битта — она юртимиз, халқимизни ишончли ҳимоя қилишдан иборат».

Хўш, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳўжумидан муҳофаза қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари шахсий таркиби зиммаларидаги ана шу масъулиятли ва муқаддас вазифани қандай уқдалашмоқда?

— Шахсий таркибимиз, — дейди қўмондон, полковник Абдулла Холмухаммедов, — республикамиз ҳаво кенгликларидagi вазиятни ишончли назорат қилмоқда.

Биз замонавий қурол-аслаҳа, жанговар техника билан таъминланганмиз. Лекин жангда инсон омили асосий роль ўйнашини жуда яхши тушунамиз. Шу боис ҳам шахсий таркибимизнинг ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлигига, индивидуал шаклланишига катта эътибор беряпмиз.

Бугунги кунда Ҳаво ҳўжумидан муҳофаза қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари таркибиди хизмат қилаётган командир ва бошлиқларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини тамомлаган. Мутахассисларнинг асосий қисмини мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртли, хусусан Жиззах ҳарбий авиация олий билим юртида тахсил кўрган кадрлар ташкил этмоқда.

Қўмондон билан суҳбатлашар эканман, бундан икки-уч ой олдин машқлар майдониди бўлиб ўтган воқеалар ёдимга тушди.

2-бем



Ҳарбий ҳаво кучлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг юқори маневрлашган қўшин турларидан бири ҳисобланади. Улар ҳаводан туриб, қуруқлик қўшинларини авиацион жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, ҳаво десантчиларини ташлаш, қўшин ва моддий воситаларни ҳаво орқали ташиш, ҳаво разведкасини юритиш каби вазифаларини бажаришга мўлжалланган.

Ҳарбий ҳаво кучлари навигация воситалари, радиоэлектрон қурималар билан таъминланган замонавий самолётлар, вертолётлар, учувчи аппаратларга эга бўлиб, улар ҳар қандай об-ҳавода турлича бандликларда жанговар вазифаларни бажаришга қўдирдир.

Суратда: кема командирини, капитан Зайлидин Эргашев.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

## ОФИЦЕР КАДРЛАР — АРМИЯМИЗ ФАҲРИ

Мутахассислар етиштиришда минтақамизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмоқда. Академия жамоаси буюқ соҳибқирон Амир Темурнинг саркардалик истеъдоди ва ҳарбий стратегияси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилганлигини доимо ёдда тутган ҳолда фаолият юритмоқда.

Академия ташкил топганидан буюн ўтган вақт мобайнида уни 400 нафардан зиёд олий ҳарбий таълимга эга юқори малакали миллий офицер кадрлар тамолаб чиқди. Улар айни вақтда юртимиздаги ҳарбий қўшилмалар, қисм ва штабларда ҳар хил лавозимларда хизмат қилишаётир. Академияда тарбиявий ишларга муҳим эътибор қаратишмоқда. Бу ишлар ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий, ҳарбий, ҳуқуқий, эстетик ва жисмоний тарбия масалаларини комплекс

тарзда қамраб олувчи дастур асосида ташкил қилинган. Бунда маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясининг долзарб муаммолари ва бошқа муҳим масалалар бўйича илмий-амалий анжуманлар, учрашув ва суҳбатлар яқин самара бермоқда.

Академиянинг хориждаги ҳарбий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам тўбора ривожланаётир. Фақат ўтган йилнинг ўзида АҚШ, Германия, Буюқ Британия, Италия, Ҳиндистон, Польша каби давлатларнинг ҳарбий делегациялари ташриф буюрди. Ҳарбий қурилиш, замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳаларида ўзаро тажриба алмашилди.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

«QUVA MEBEL»  
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT  
XALQARO AEROPORTI

ХАЛҚ БАНКИ —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HAMKOR



Чорва қишлови — чўпон синови

Ўзбекистон ХДП Тўртқўл туман кенгашининг биринчи котиби Хадича Ибодуллаева партия аъзолари амалга ошириётган ишлар ҳақида гапира туриб, нимадир эсига тушгандек ярқ этиб бизга қаради:

— «Қизилқум» ширкат хўжалиги раиси Аширкули Меретов ҳақида ёзгангиз яхши бўларди. Ажойиб инсон. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган чорвадор. Мустақилликнинг 12 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Халқ депутатлари Тўртқўл туман кенгаши депутати, партиянинг фаолларидан...

— Яхши гап. Лекин хўжаликка қандай борамиз? Улов...

— Хотиржам бўлинг, бир ахсонимиз бор, агар вақти бўлса, йўқ демаядилар...

Хадича Ибодуллаева «Бахтиёр ака» деб таништирилган кишининг «Нексия»сида тахминан 40-45 километр йўл босиб, хўжалик идорасига етиб олди.

Ширкат хўжалиги раиси Аширкули оға ўша кўни ишга чиқолмаган экан. Сабабини шу ердаги йилгилардан бири тушунтирди:

— Оғанинг тўртинчи ўғли уйланмоқда. Бугун тўй олдида кексаларга зиёфат бераёпти. Уйларига борсангиз тўй устидан чиқасиз...

Шу пайт қўрқ ёшлар чамаси-

даги бир йигит келиб қолди.

— Ассалоому алайкум, Бахтиёр ака, — деди у шоганича бошқаларга эътибор ҳам бермай. — Идорада бирор машина топиламанми, деб келувдими. Укамнинг мазаси қочиб қолди. Қон

шекилли, қон босими жуда ўрлаб кетибди. Зарур муолажалар қилишди, ҳозир аҳоли дуруст. «Тез ёрдам»да касалхонага олиб кетишди. Энди кўнглим оғир-оғир. Қани, кетдик...

Аширкули оғанинг уйда меҳмондорчилик ниҳоясига етиб, одамлар тарқалишадиган экан.

# СУР ТЕРИЛАР ЖИЛОСИ

## ҚИЗИЛҚУМ ЧОРВАДОРЛАРИНИ ИЗЛАНИШ ВА ТОБЛАНИШГА ЧОРЛАМОҚДА

босими кўтарилиб, ўнг томони ҳаракатдан тўхтади. «Тез ёрдам»дан дарак йўқ. Хайрият, сиз шу ерда экансиз...

— Машинага ўтиринг, — деди Бахтиёр ака ўйлаб ҳам ўтирмай. Улар узоклашгач, котиба изоҳ берди:

— Уэр, бизларга айтишни унутибман, Бахтиёр ака Қазақо туман марказий шифохонасида бўлим бошлиғи. Биринчи рақамли реаниматор... Ҳаммага бирдек. Меҳр-муруватли инсон. Бахтиёр акага ўшаш муруватли одамлар янаям кўпайса...

...Орадан икки соатча вақт ўтди. Беморни касаллик хуружидан кутқаришдек бурчини адо этган шифокор хузурига яна етиб келди.

Хамма унга савол назари билан боқиб турганлигини сезиб, жавоб ўрнида сўз бошлади. — Йигит қаттиқ асабийлашган

дан ҳозиргача «Қизилқум» ширкат хўжалигида раис...

Қадимдан қорақўлчиликка ихтисослашган ширкат хўжалиги ҳудуди Қизилқум бағрига ястанган. Бу ерда ҳозир 26870 бош қўй-қўзи, 1083 бош от, 584 бош тўя боқилмоқда. 2003 йил қорақўлчилар учун омадли келди. Қўлдамда ҳар юз бош совлиқдан 97 тадан қўзи олинди. Тўл мавсуми отарга 12716 бош қўзи қўшилди. Шундан 7245 таси ўстиришга қолдирилди. 5400 дона қорақўл тери, 36 тонна жун тайёрланди. 70 миллион сўмдан зиёд даромад олинди.

Даромад буромда билан деганларидек, бу ерда меҳнат қилаётган 325 ишчи-хизматчи ойлук иш ҳақларини вақтида олиб турибди. Овуларда 5 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. Мактабларни таъмирлаш ва уларга замонавий

ўқишга кирди. 1970 йил олий маълумотли ветеринар соҳанинг туман станциясида фаолият кўрсатди. Кейинчалик қисқа муддат Қозонкетген, Саримой участкаларида ишлади. Туман бош ветеринария врачси ўринбосари, бош ветеринария врачси вазифаларида меҳнат қилди. 1986 йил

ўқув жихозлари сотиб олиш учун 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

— «Қовурга», «Ясси», «Зармалла», «Антик», «Қорақўлча» сингари кўк қора ва сур терилар дунёга машҳур, — дейди Аширкули оға. — Бизда ҳам кўзни яшнатадиган навлар талайгина. — Ниятимиз — олтинга тенг сур терилар сифатини янада яхшилаб, улар харидор-гирлигини ошириш ва жаҳон бозорига бемалол чиқиш. Шу йўлда беш-олти йилдан буюн тадқиқот олиб бораёямиз. Яқинда ўйланган мақсадимизга етдик: Қорақалпоқ сурунинг Тўртқўл турини яратишга мўяссар бўлди. Сертификат ҳам олди. Ҳозир 3500 бош сур қўйларимиз бор. Улар 1-фермада Аразқўл Бердиев, Дурдибои Сахатов, 2-фермада Ражап Дурдиев, Бекмурод Дурдиев, 3-фермада Нурлибек Бердалиев, Омонқул Қоратоев сингари тажрибали чўпонларимиз қўлида. Ҳаммаси ҳам ҳар 100 бош совлиқдан 103-105 тадан қўзи олишга эришяптилар...

Айни кўнларда қишловчи муваффақиятли ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилаётган Аширкули оға Меретов бош бўлган ширкат хўжалиги чорвадорлари 2004 йил қўзилаштиш мавсумига шай турибдилар.

**Шоҳайрат МИРҲАБИБОВ, Мирзахайрат МИРРАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

## САЙЛОВ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, Грузия президенти вазифининг бажарувчи Нино Буржанадзе матбуот анкуманда навабдан ташқари парламент сайлови шу йил 28 январга белгиланганини маълум қилди. 4 январда бўлиб ўтган сайловда мамлакат президентлигига сайланган Михаил Саакашвили, давлат вазири Зураб Жвания ҳамда амалдаги парламент фракциялари раислари билан маслаҳатлашувдан сўнг шундай қарор қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз: 2003 йил 2 ноябрь куни бўлиб ўтган навабдаги парламент сайловининг натижалари 25 ноябрда Олий суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган эди.

## ТАЪТИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Красноярск таълим бошқармаси бошлиғи Нина Жилинская мактаб ўқувчиларининг янги йил таътилини яна бир ҳафтага, яъни 19 январгача чўзиш ҳақидаги буйруққа қўл қўйди.

Шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказининг ўқувчилар орасида гриппнинг ўсиши ва унга қарши кураш бўғасидаги қарори бунга сабаб бўлди.

Шаҳар таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Елена Ключеванинг гапларига қараганда, ўтган жумадда ўқувчилар орасида



## ЯДРО ОБЪЕКТИДА БЎЛДИЛАР

АҚШ делегацияси Шимолий Кореянинг Йонбон шаҳридаги ядро комплексида бўлдилар. Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, бир йил аввал БМТ инспекторлари ҚХДРдан чиқариб юборилгандан бери энди биринчи марта делегация ташрифи амалга оширилмоқда.

АҚШ Сенатининг икки маслаҳатчисида иборат (бири ядро бўйича мутахассис, ик-

кинчиси АҚШ давлат департаментининг ҚХДРдаги собиқ элчиси) делегация Пхеньянга қўлган 5 кунлик ташрифдан сўнг Пекинга бордилар.

Делегация Йонбонда қўрганларини шарҳлашдан ҳозирча ўзларини тийиб турибди. Бироқ, ҚХДР Ташқи ишлар вазирлиги делегациянинг объектга ташрифи учун барча имкониятни яратиб берганлигини алоҳида таъкид-

ладилар.

Делегация раҳбари, Стэнфорд университети профессори Жон Льюиснинг айтишича, улар ташриф давомида Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирликлари вакиллари билан ҳамда иқтисодчилар ва олимлар билан учрашганлар. Учрашув ва кузатув тафсилотлари ҳақида аввало АҚШнинг расмий диоралари хабардор қилиниши лозим.

# «БОЙҚЎНГИР» КОСМОДРОМИ: ИЖАРА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Россия ва Қозоғистон оммавий ахборот воситалари журналистлари икки давлат раҳбарларининг Астанадаги учрашувлари ҳақида тўқтинлашиб ёздилар. Дарҳақиқат, бу учрашув ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, дея хабар берилади Интернетнинг «Газета.Ру» сайтидаги ахборотда. Давлат раҳбарларининг ўзаро музокараларида 11 та ҳужжат имзоланган бўлса-да, икки масаладаги келишув улар ичидан энг асосийси, дея изоҳланмоқда. Уларнинг биринчиси «Бойқўнғир» космодроми масаласи бўлса, иккинчиси собиқ совет давридан кейин оғриқли бўлиб турган айрим чегара ҳудудларининг делимитация қилинишидир.

Маълумки, «Бойқўнғир» космодромининг ижараси масаласида Россия ва Қозоғистон ўртасида узоқ вақтдан бери тортишув давом этмоқда эди. Яъни, Москва 50 йилга тузилмаж янги шартноманинг амал қилиш муддати аввалги шартнома муддати тугагандан сўнг (2014 йилдан) бошланишини талаб қилса, Астана эса ўз навбатида бу шартнома меморандум имзоланган пайт — 1994 йилдан кўчга кирган, дея ҳисобланишини уқтираётган эди. Демак, янги шартнома муддати Москва хоҳлаганидек, 2064 йилгача эмас, балки 2044 йилгача қилиб белгиланишини Астана расмий вакиллари истаётган эди. Бироқ...

«Узаро келишувга албатта эришилади», дея ваъда берганди «Росавиакосмос» раҳбарининг ўринбосари Александр Кузнецов Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланишидан аввал журналистларга берган интервьюсида. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам.

Владимир Путин ва Нурсултон Назарбаев «Бойқўнғир»дан унумли фойдаланиш бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим-ни имзоладилар. Унга қўра, «Бойқўнғир» космодромининг ижараси 2050 йилгача қилиб белгиланди.

Авалло шунга айтиш лозимки, бу масалада томонлар бир-бирларига бир оз ён босдилар ҳам. Яъни ижара муддатининг бошланиши Астана хоҳлаганидек 1994 йилдан ёки Москва истаганидек 2014 йилдан қилиб белгиланмади, балки 2004 йилдан эътиборан кўчга кириши

алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, Қозоғистон космонавтикасининг келажаги учун ҳам асослар яратилди. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, битимга Қозоғистоннинг «Бойтерак» фазовий-ракета комплексини ҳамкорликда яратиш борасида ҳам пункт киритилди. Шундай қилиб, Қозоғистоннинг биринчи «Бойтерак» ракетаси Россиянинг «Ангара» фазовий-ракета комплекси базасида яратилади. Қозоғистоннинг биринчи геостационар сунъий йўлдошини қуриш ва учирриш борасида ҳам ўзаро шартнома имзоланди.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро музокаралари кун тартибига «Бойқўнғир» масаласи киритилгани бежиз эмас. Негаки, дунёнинг етакчи давлатлари — АҚШ ва Хитой фазовий тадқиқот бўйича фаолиятини жонлантириб юборди. Маълумки, ўтган йилнинг охирида Хитойнинг биринчи фазовири Ер орбитаси бўйлаб ўрди. Энди эса Хитой Ойга ракета учирмоқчи. Ёки АҚШнинг Spirit фазовий аппарати тадқиқот ишларини олиб бориш учун яқинда Марс сайёрасига қўнди. Бу воқеалар ракета-шуносликда дунё бўйича уч етакчи давлатдан бири бўлиш Россияни фазовий тадқиқотларга яна қорлаган бўлса ажаб эмас. НТВ телеканалининг хабар беришича, Россия 2018 йилда 6 кишилик экипаж билан Марсга ракета учирришни мўлжаллаб турибди.

Астанадаги музокара кун тартибидан ўрин олган яна бир масала шу бўлдики, космодром ижараси учун тўлов муаммосини ечиш. Шу пайтгача Россия «Бойқўнғир» ижараси учун 115 миллион доллар тўлашни кўзда тутганди. Бироқ Қозоғистон бу пуллارни амалда кўрмади. Москва бунга Астананинг аввалги қарзларига «ётқизди» шекилли.

Энди эса Қозоғистонга ракета ва сунъий йўлдош қуриб бериш эвазига космодромдан фойдаланади.


Музокараларнинг иккинчи асосий мавзуси анчадан бери президент махсус комиссияси ва давлат халқ назорати ҳамкорликда шуғулланиб келаётган чегараларни делимитация қилиш масаласи бўлди. Бу борада ҳам протокол имзоланди.

Бундан ташқари, Каспий денгизининг Қозоғистон қисмидаги нефть конларини ҳамкорликда қазиб борасида ҳам келишиб олдилар.

Владимир Путиннинг Қозоғистонга икки кунлик ташрифи янги йилда қўлган хорижа биринчи ва охириги (Президент сайловигача) ташрифидир. Шунинг учун Қозоғистоннинг янги пойтахти билан танишиб чиқди.

Эслатиб ўтамиз: Астанага 1997 йили пойтахт мақоми берилган. Ҳозир шаҳарда қурилиш ишлари фаол олиб борилаётган. Бунинг учун йилига 700 миллион доллардан ортқ маблағ ажратилмоқда.

Алимбек ТОШБЕК



# ЯҚИН ШАРҚ: ТАШАББУС БОР, МУРОСА ЙЎҚ

Шарқ

Исроил 1967 йилда қўшни араб давлатлари ерларини босиб олганидан бери Яқин Шарқда тинчлик йўқ. Айниқса, Фаластин билан Исроил ўртасидаги можаро барҳам топшишга йўлдан йилдан-йилга газак олиб, тобора чигаллашиб бораёпти.

Ўтган йиллар мобайнида Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш юзасидан тақлифлар, ташаббуслар, фоялар кўп бўлди. Ҳатто БМТ Хавфсизлик Кенгаши бир неча бор қарорлар ҳам қабул қилди. Бироқ қарама-қарши томонлар учун бирдай маъқул бўлган муроसा йўли топилмади, қарорлар эса ижро этилмай қолди.

Одатдагидек, ўтган 2003 йилда ҳам бу муаммонинг ечимини топишга бўлган уринишлар, хатти-ҳаракатлар, ташаббуслар кўп бўлди. Бироқ, натижалар кўнглига таскин бермади. Ҳўш, улар қимлар томонидан тақлиф қилинган, қандай ташаббуслар эди?! Уларнинг моҳияти нималардан иборат эди? Ҳаммага маъқул бўлган ечимлар нега қарама-қарши томонларга маъқул бўлмади? 2004 йилда қандай янги ташаббусларни тахмин қилиш мумкин.

Саудия Арабистони шахзодаси Абдулла ўтган йилнинг бошида Исроил билан

Фаластин ўртасидаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг режасини тақлиф қилди. Унга қўра, Фаластин давлати ташкил этилади ва араб давлатлари билан Исроил ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шунингдек, шахзода араб дунёсида ислохотлар ўтказиш, яъни фуқароларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб қилиш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш, минтақада ўзаро хавфсизликни кафолатлаш гоёсини илгари сурди.

Шундан кейин АҚШ, Россия, БМТ ва Европа Иттифоқи томонидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Бу ҳужжат дастлаб шов-шувга сабаб бўлди ва Акаба шаҳрида бўлиб ўтган саммитда АҚШ президенти Буш, Иордания қироли Абдулла II, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин мухторияти бош вазири Маҳмуд Аббос томонидан маъқулланди.

«Йўл харитаси»ни уч босқичда амалга ошириш мўлжалланди. Ой ойининг моҳияти нималардан иборат эди? Ҳаммага маъқул бўлган ечимлар нега қарама-қарши томонларга маъқул бўлмади? 2004 йилда қандай янги ташаббусларни тахмин қилиш мумкин.

Фаластин ўртасидаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг режасини тақлиф қилди. Унга қўра, Фаластин давлати ташкил этилади ва араб давлатлари билан Исроил ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шунингдек, шахзода араб дунёсида ислохотлар ўтказиш, яъни фуқароларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб қилиш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш, минтақада ўзаро хавфсизликни кафолатлаш гоёсини илгари сурди. Шундан кейин АҚШ, Россия, БМТ ва Европа Иттифоқи томонидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Бу ҳужжат дастлаб шов-шувга сабаб бўлди ва Акаба шаҳрида бўлиб ўтган саммитда АҚШ президенти Буш, Иордания қироли Абдулла II, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин мухторияти бош вазири Маҳмуд Аббос томонидан маъқулланди. «Йўл харитаси»ни уч босқичда амалга ошириш мўлжалланди. Ой ойининг моҳияти нималардан иборат эди? Ҳаммага маъқул бўлган ечимлар нега қарама-қарши томонларга маъқул бўлмади? 2004 йилда қандай янги ташаббусларни тахмин қилиш мумкин.

АҚШ делегацияси Шимолий Кореянинг Йонбон шаҳридаги ядро комплексида бўлдилар.

«Бойқўнғир» космодроми: ижара муддати узайтирилди.

САЙЛОВ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ.

ТАЪТИЛ ДАВОМ ЭТАДИ.

ЯҚИН ШАРҚ: ТАШАББУС БОР, МУРОСА ЙЎҚ.

ЯҚИН ШАРҚ: ТАШАББУС БОР, МУРОСА ЙЎҚ.

ЯҚИН ШАРҚ: ТАШАББУС БОР, МУРОСА ЙЎҚ.

